



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
вазири уринбосари - Харид  
комиссияси раиси**

**К.Турсунов**

“\_\_\_” октябрь 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг  
ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги  
Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” қарорига  
асосан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат  
кўрсатиш вазирлик бошқарув ходимларини ISO 9001 сифат  
менежменти халқаро стандарти бўйича малакасини ошириш  
хизматларини бўйича

## **ТЕХНИК ШАРТЛАР**

Тошкент ш - 2022 йил

## Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун ЙЎРИҚНОМА

1.1. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (Бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрелдаги қабул қилинган 684-сон “Давлат харидари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлаш ўтказиш шакли: танлаш электрон шаклда, <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

1.3. **Давлат буюртмачиси:** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (бундан бцён матнда буюртмачи деб юритилади).

1.4. **Харид предмети:** мазкур вазирлик бошқарув ходимларини ISO 9001 сифат менежменти халқаро стандарти бўйича малакасини ошириш хизматларини харид қилиш.

1.5. **Харид қилиш предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматини тугаллаш) шарти:** Жами суммаси 45 750 000 сўм. Шартнома имзоланганидан сўнг 62 кун.

1.6. **Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** буюртмачининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда.

1.7. **Тўлов шартлари** шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва қолган маблағ бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича далолатнома ҳамда ҳисоб-фактурага асосан тўлов берилади.

1.8. Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш биноси. Манзили: 100035, Тошкент шаҳри, Юнусобот тумани, Ниёзбек йўли 1-уй.

1.9. Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш бўлими бош мутахассиси Хусейн Исанкабулов, тел: (71) 211-00-06 (1070). Манзили: 100035, Тошкент шаҳри, Юнусобот тумани, Ниёзбек йўли 1-уй.

1.10. Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақти: таклиф давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг беш иш куни давомида электрон шаклда тақдим этилади.

Таълимни ривожлантириш  
бўлими бошлиғи



А. Мирзакаримов



## Иштирокчиларга кўйиладиган талаблар

1. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (1-шакл).

Саралаш учун

а) Ташкилотда халқаро талабларига жавоб берадиган сертификатлаштириш Лойихалари бўйича консалтинг соҳасида тажриба ва тажрибага эга бўлган махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис бўлиш керак.

Тегишли мутахассиснинг диплом (сертификат) ва меҳнат фаолияти тўғрисида маълумот.

1. Танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси.

2. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмаслиги, миждоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эканлиги, шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги кўрсатилган қафолат хати (2-шакл).

Иштирокчининг техник ва нарх таклифи (3-шакл).

Шу жумладан:

- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

- Иштирокчи ушбу талабларнинг мослиги бўйича (4-шакл)га коррупция олдини олиш учун ариза тақдим этилиши шарт.

**Иштирокчи ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

1	Юридик шахснинг тўлиқ номи ва ҳуқуқий шакли	
2	Амалга ошириш учун мавжуд лицензия (акредитация) тадбирлар	
3	Рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги маълумот (Рўйхатдан ўтган сана, рўйхатдан ўтган сон, рўйхатга ўтказувчининг номи)	
4	Юридик манзил	
5	Телефон рақамлар ва e-mail	
6	Банкнинг реквизитлари	

**Мутахассислар ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

№	Мутахассисининг Ф.И.Ш.	Сертификатлашдан олдинги малака ва билим даражаси	Сертификатлашдан олдинги ишлаб чиқаришдаги иш тажрибаси ҳақида маълумот
1			
2			

\_\_\_\_\_ (ваколатли шахснинг имзоси)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш. ва ваколатли шахс лавозими)

**М.Ў.**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот

---

(ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;  
солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;

тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз;

- вазирлик бошқарув ходимларини ISO 9001 сифат менежменти халқаро стандарти бўйича малакасини ошириш хизматларини кафолатлаймиз.

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш.

**М.Ў.**

### Иштирокчининг техник ва нарх таклифи

Харид комиссияси томонидан техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг, танлаш таклифининг нарх қисмига оид хужжатлари асосида амалга оширилади.

*Нарх жиҳатдан баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда иштирокчининг тақдим этган нарх таклифига мутаносиб равишда баҳоланади.*

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх	Энг юкори - 40 балл Энг паст - 0 балл	



**Коррупциянинг олдини олиш учун  
АРИЗА**

Бизлар, биз назорат қиладиган ва бизнинг номимиздан фаолият юритадиган ташкилотлар, аффилик корхоналаримиз, шу жумладан директорларимиз, ходимларимиз, агентларимиз, консоциум ҳамкорларимиз, субпудратчиларимиз, етказиб берувчиларимиз, маслахатчиларимиз, суб-маслахатчиларимиз берилган рухсатнома билан бизнинг номимиздан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўтказилаётган танлов (тендер) га қатнашганида, шартнома шартларига мувофиқ товарлар етказиб бериш ёки иш-хизматларни бажариш билан боғлиқ жараёнда ҳар қандай тақиқланган амалиётларда (қуйида тавсифланган) иштирок этиш ҳолати юзага келганида сизни хабардор қилишни ўз зиммамизга оламиз.

Биз қуйидаги тақиқланган амалиётларнинг бўлмаслигини кафолатлаймиз:

1.) Мажбурлаш: бир томоннинг ҳаракатларига босим қилиш, ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадида бирон бир томон ёки унинг мулкига бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки таҳдид қилиш;

2.) тил бириктириш: икки ёки ундан ортиқ томонларнинг номақбул мақсадларга эришиш, шу жумладан иккинчи томоннинг ҳаракатларига нотўғри таъсир кўрсатиш учун келишуви;

3.) Коррупция: бошқа томоннинг ҳаракатларига нотўғри таъсир кўрсатиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир қимматли нарсани таклиф қилиш, бериш, олиш ёки сураш;

4.) фирибгарлик: бир томонни молиявий ёки бошқа манфаатлар учун ёки мажбуриятларни бажаришдан қочиш учун қасддан чалғитувчи ёки чалғитишга уриниш, шу жумладан фактларни нотўғри кўрсатиш ёки нотўғри маълумот бериш;

5.) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва ресурсларини қасддан ёки эҳтиётсизлик билан ўзлаштириш;

6.) Ўғирлик: бошқа шахсга (иккинчи томонга) тегишли бўлган мулкни ўзлаштириш.

ТУЛИК, ИСМИ ШАРИФ.  
М.Ў.

рахбар имзоси